# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 17 июнь, № 119 (5286) Жума


# БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!




***Тинчлик-хотиржамликда, эзгу ният ва улуғ мақсадлар оғушида яшашга не етсин?! Истиқлол туфайли ана шундай саодатли кунларни кўрмоқ насиб этди. Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ҳар бир жабҳадаги янгиланишлар замирида самимий тилак, эртани ўйлаб яшашдек эзгу ғоя мужассам. Президентимиз раҳнамолигида ҳаётга татбиқ этилаётган яратиш, яшнатиш фалсафасини бугун ҳар қадамда ҳис қилмоқдамиз.***



## БАРКАМОЛ АВЛОД

### буюк келажагимизни яратишда ҳал қилувчи кучдир

Истиқлолимизнинг қутлуғ 20 йиллик тўйи остонасида турибмиз. Тарихан қисқа, мазмунан беқиёс ушбу йилларда ҳаётимизда рўй берган оламшумул ўзгаришларни кўз олдимизга келтирганимизда, кўнгил равшан тортади. Шундай юртда туғилганинг, яшаётганинг учун беихтиёр Яратганга шукроналар айтасан, киши. Бу янгиланишларнинг барчаси Президентимизнинг жасорати туфайли қўлга киритилганлигини бугун хориждаги таниқли мутахассису экспертлар ҳам тан олмоқда, эътироф этмоқда.

Педагог бўлганим учун, биргина таълим соҳасидаги ўзгаришларни таҳлил қилиб кўрсак. Албатта, бу борада қўлга киритилган муваффақиятларни минглаб рақам ва далиллар келтириш билан ҳам ифодалаш қийин. Босқичма-босқич олиб борилаётган ислоҳотлар, жаҳон узра ном қозонган, тараққиётнинг "ўзбек модели" дея эътироф этилган ўзимизга хос ва мос йўлнинг, андозанинг самараларига бугун ҳар биримиз ҳар жабҳада гувоҳмиз.

Буюкликдан буюклик туғилади, дейишади. Мустақиллик инъом этган имкониятлар туфайли таълим тизимида кузатилган ютуқлар, фарзандларимиз эгаллаётган юксак марралар халқимизнинг азал-азалдан маърифатпарвар эканлигига бориб тақалади. Аждодларимизнинг фарзанд тарбияси, уларга илму урфон, касб-ҳунар ўргатиш бобидаги улкан маҳорати, тажрибаси, устоз-шогирдлик анъаналарини дунё аҳли эътироф этган, тан олган. Бир замонлар халқимизнинг фарзандлари орасидан илм-фан ривожига, равнақига улкан ҳисса қўшган улуғ қомусий олимлар, етук алломалар етишиб чиққан ва шу заминнинг номини осмон қадар юксакликка кўтарган эдилар.

Муболағасиз айтиш мумкинки, мустақил диёримизда худди шундай жараён давом этмоқда. Фарзандларимизга жаҳон талаблари даражасида замонавий таълим-тарбия берилаётгани, энг илғор ўқитиш услублари жорий этилаётгани, янги илм даргоҳлари фаолиятини йўлга қўйиш, ўғил-қизларимизга ҳеч кимдан кам бўлмайдиган даражада касб-ҳунар ўргатиш "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида изчиллик билан амалга оширилаётгани бунда муҳим омил бўлмоқда. Президентимизнинг жорий йил 20 майдаги "Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори олий таълим тизимини янада ривожлантириш, уни юксак чўққиларга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз. Зеро, ёшлар келажагига, малакали мутахассислар тайёрлаш масаласига дунёнинг ҳеч бир мамлакатида биздагидек катта эътибор қаратилмайди.

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар



***НАВОИЙ. Нурота туманида мармарни қайта ишлайдиган "Нуршода" хусусий корхонаси ўз фаолиятини бошлади.***

### Изланиш меваси

Бунинг учун тадбиркор Шамил Ҳожиев ўз жамғармасидан 36 миллион сўм маблағ сарфлади. Айни пайтда хорижнинг илғор технологияси ёрдамида бу ерда 7 хилдан зиёд турли ҳажмдаги ва қалинликдаги плиталар ишлаб чиқарилиб, мамлакатимизнинг бошқа минтақаларига ҳам етказиб берилмоқда.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***СУРХОНДАРЁ. Қумқўрғон туманидаги "Баракат" хусусий фирмасида гипс ишлаб чиқаришга киришилди.***

### «Баракат»нинг қурилиш материаллари

Ҳозир бу ерда Германия технологияси ёрдамида кунига икки тонна пардозлаш материаллари тайёрланмоқда. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 60 миллион сўм сарфланди.

Айни пайтда корхона жамоаси бўёқ маҳсулотлари ҳамда сув эмульсияси ишлаб чиқаришни ҳам мўлжаллаб турибди.

**О. УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***ХОРАЗМ. Тадбиркор Шоназар Юсупов паррандачиликка ихтисослаштирилган "Қўшкўпирпаррандасервис" корхонасини ишга туширди.***

### Сармоя самара берди

Бунинг учун 132 миллион сўмлик банк кредитидан самарали фойдаланилди. Ҳозир бу ерда саноат усулида 10 мингта товуқ парваришланмоқда. Тадбиркор жорий йил охирига қадар 324 миллион сўмлик парҳез гўшт ва тухум етказиб беришни режалаштирган.

Таъкидлаш кераккки, соҳа ривожи учун яратилган шарт-шароит туфайли бугунги кунда вилоятда 110 та паррандачилик хўжалиги ишлаб турибди.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***САМАРҚАНД. Қўшработ туманида айни кунда 238 нафар тадбиркор фаолият кўрсатмоқда.***

### Олис қишлоқда корхона

Жорий йилнинг ўтган беш ойи мобайнида улар томонидан 4 миллиард 383 миллион 400 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилгани эътиборлидир.

Яқинда уларнинг сафига қўшилган яна бир тадбиркор Баҳодир Ражабов Заркент маҳалласида лойиҳа қиймати 50 миллион сўмлик нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонани ишга туширди. Ҳозир корхонада кунига ярим тоннага яқин озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрланиб, ички бозорга чиқарилмоқда.

**М. ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Ифтихор**

***Мамлакатимизда истеъдодларни юзага чиқариш ва қўллаб-қувватлашда етти йилдан буён ўтказиб келинаётган "Келажак овози" кўрик-танлови беқиёс аҳамият касб этаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.***

## ЮКСАК ЭЪТИБОР, БЕҚИЁС РАҒБАТ

**ёшларимиз камолотида, уларнинг иқтидорини тоблашда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда**

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамкорлигидаги ушбу танлов йигит-қизларнинг билим ва иқтидорини тоблашда муҳим ўрин тутиб келаётир. Шу боис унда қатнашиш истагини билдираётганлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Агар 2005 йили кўрик-танловнинг саралаш босқичида 3 мингга яқин ёш иқтидор эгалари қатнашган бўлса, 2006 йилда бу кўрсаткич 10 мингга, 2007 йилда 30 мингга етди. 2008 йилга келиб эса иштирокчилар сони 54 мингдан ошиб кетди. 2009 йили 63 мингдан ортиқ йигит-қизлар лойиҳада ўз билимларини синаб кўрдилар. Ўтган йили ариза топширганлар сони 71 024 нафар бўлгани ҳолда, жорий йилда бу кўрсаткич 76 мингдан зиёдни ташкил этаётир.

(Давоми 2-бетда).

## ПАРЛАМЕНТ ЭШИТУВИ – ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ

***Мустақиллик йилларида мамлакатимизда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, авваламбор, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш масалаларига қаратилди.***

**КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар**

Айниқса, парламент ислоҳотларининг босқичма-босқич амалга оширилиши, икки палатали Олий Мажлиснинг шаклланиши ва фаолият олиб бориши парламент назорат функцияларини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Чунки қонунларга риоя қилиш ва уларни ижро этиш, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларини ҳаёт талаблари билан мунтазам уйғунлаштиришда парламент назорати муҳим аҳамият касб этади. Парламент назорати давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини сақлашда, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишда муҳим ўрин тутади.

Ривожланган демократик мамлакатлар парламентлари амалиётида парламент назоратининг турли шаклларидан кенг фойдаланилади. Парламент эшитуви, парламент сўрови, дебатлар (мунозаралар), парламент тергови, интерпелляция, ҳукуматга ишончсизлик билдириш ва бошқалар шулар жумласига киради.

Парламент эшитуви парламент ёки унинг палаталари ялпи мажлисларида парламент аъзоларининг, давлат ва жамоат арбобларининг, шунингдек, экспертларнинг конкрет қонун лойиҳалари бўйича ёки парламент ваколатлари доирасига кирувчи бошқа масалалар юзасидан фикрларини эшитишга қаратилган парламент фаолиятининг алоҳида шакли бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистонда парламент эшитувининг ҳуқуқий асослари Конституция ва бошқа бир қатор қонунларда алоҳида белгилаб қўйилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Регламентининг 55-моддасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Сенатга тақдим этган ҳар йилги ҳисоботлари Сенатнинг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилиши қайд этилган. Регламентнинг 56-моддасида эса

(Давоми 2-бетда).

## ЭЗГУ МАҚСАДНИ КЎЗЛОВЧИ ЛОЙИҲА

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ташаббуси билан Бирлашган Миллатлар

**Анжуман**

Ташкилоти Тараққиёт дастури ҳамда Глобал экологик жамғарма ҳамкорлигида "Рио Конвенцияларининг бажарилиши бўйича мақсадли институционал кучайтириш ва маҳоратни ривожлантириш орқали миллий салоҳиятни мустаҳкамлаш" лойиҳасига бағишланган семинар-тренинг ташкил этилди. Унда Иқтисодиёт, Молия, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси, "Ўзгидромет" маркази, Оролбўйи генофондини сақлаш жамғармаси сингари ташкилотлар мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

## МАҲАЛЛА – ФАРОВОНЛИК ҚЎРҒОНИ

*Фарғона вилоятида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари якунланди. Қонунийлик, очиқлик ва ошкоралик тамойиллари асосида ўтказилган ушбу ижтимоий-сиёсий тадбирда ислоҳотлар жараёнида фаол қатнашиб келаётган ташкилотчи, эл орасида обрў-эътибор қозонган 1020 нафар раис ва уларнинг 10 мингга яқин маслаҳатчилари сайланди.*

Вилоятда жами бир миллион 580 минг нафардан зиёд сайловчи бўлиб, уларнинг 61 минг нафар вакили сайлов жараёнида бевосита иштирок этди. Муҳими, ҳар бир вакил ўз зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, маҳалла истиқболини ўйлайдиган, ташкилотчилик қобилияти ва катта ҳаётий тажрибага эга номзодлар учун овоз берди.

— Сайлов якуни билан боғлиқ кўрсаткичлар, айниқса, эътиборлидир, —

**Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари**

дейди вилоят кўмаклашувчи комиссияси раиси ўринбосари М. Ходжаева. — Аввало, раис ва уларнинг маслаҳатчилари таркибида катта янгиланишлар бўлганини айтиб ўтиш зарур. Жумладан, маслаҳатчиларнинг 43,6 фоизи янгиланди. Марғилон шаҳри, Риштон ва Сўх туманларида эса ушбу кўрсаткич 68-73 фоизни ташкил этди. Фуқаролар йиғинлари раислари таркибида ҳам янгиланишлар кузатилди. Жумладан, Боғдод, Бувайда, Данғара ва Риштон туманларида биринчи марта сайланган раислар сони учдан икки қисмни ташкил этди. Раислар таркибидаги сифат ўзгаришлари ҳам эътиборлидир. Гап шундаки, оқсоқолларнинг 97,3 фоизи олий ва ўрта махсус маълумотли кишилардир. Бу кўрсаткич Марғилон ва Қўқон шаҳарлари, Ёзёвон, Олтиариқ, Тошлоқ, Учкўприк, Қўштепа туманларида қарийб юз фоизни ташкил этаётир.

(Давоми 2-бетда).

## Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўпаймоқда

Мамлакатимизда **2011** йилнинг дастлабки чорагида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми **5,8** фоиз ўсди.

**Бир рақам шарҳи**

*Таҳлилларга қараганда, кейинги йилларда дунёнинг кўплаб давлатларида қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги кескин пасайиб, ҳатто муҳим озуқа маҳсулотларига бўлган ички эҳтиёжни таъминлашда қийинчилик юз бераётир. Соҳа мутахассислари буни иқлим ўзгариши оқибатида юзага келаётган қурғоқчилик, экинларнинг турли касаллик ва зараркунандалар билан зарарланиши каби ҳолатлар билан изоҳлашаяпти. Юртимизда табиат инжиқликларига қарамай, қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил олинаётгани ўзбек деҳқончилигининг шуҳратини оламга ёймоқда.*

*Президентимиз ташаббуси билан юртимизда фермерлик ҳаракати ривожлантирилгани туфайли тармоқ самарадорлиги йил сайин ортиб бормоқда. Сабаби, ер майдонлари асл деҳқонларга топширилгач, соҳага илм-фаннинг илғор ютуқлари, инновацион технологиялар изчил татбиқ этилиб, табиий ресурслардан оқилона фойдаланилаяпти. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз аҳолисини йил давомида мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари, гўшт-сут ҳамда тухум каби муҳим кундалик маҳсулотлар билан узлуксиз таъминлаш, экспорт ҳажмини ошириш имконини бераётир. Жорий йилнинг биринчи чорагида 125,6 миллион АҚШ долларилик мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилингани бунинг яққол исботидир.*

# ПАРЛАМЕНТ ЭШИТУВИ – ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Сенат қўмиталарининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг улар томонидан қонунларга қандай риоя этилаётгани, палата қўмиталарининг қарорлари қандай бажарилаётгани тўғрисидаги ахборотларини эшитиши қўмиталарнинг иш режаларига мувофиқ ўтказилиши таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасининг регламентларига мувофиқ, палаталар ҳар йили ўз мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ва Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг бий таъсир этувчи объектив ва субъектив омилларни аниқлашга қаратилган жиҳатларини алоҳида таъкидлаш мумкин. Қолаверса, парламент эшитуви орқали қонунлар ижросидаги мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш, амал қилаётган қонунлардаги айрим бўшлиқларни аниқлаб, уларга тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритиш мумкин. Парламент эшитуви, шунингдек, давлат ҳокимияти органлари, мансабдор шахслар ҳамда фуқароларнинг қонун ҳужжатлари қоида-талабларига сўзсиз амал қилиш мажбуриятини таъминлашга ва масъулиятини оширишга ҳам хизмат қилади.

чиқилди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари томонидан парламент палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг асосий мақсад ва ғояларини ҳаётга татбиқ этишга қаратилган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинди ва кучга кирди.

Конституцияга киритилган ушбу муҳим қўшимча ва

ҳисоботини эшитадилар ҳамда мазкур ҳисоботларни муҳокама қилиш натижаларига кўра, тегишли қарор қабул қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламентининг 217-моддасида Қонунчилик палатаси ёки у ваколат берган орган ҳар йили ўз мажлисида сиёсий партияларнинг ўз фаолиятларини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиши қайд этилган.

Ушбу Регламентнинг 58-моддасида партия фракциялари ва депутатлар гуруҳлари Қонунчилик палатаси мажлисида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан мурожаат этиши, Қонунчилик палатаси мажлисида ҳукумат аъзоларининг фаолияти юзасидан эшитиш тўғрисида масалани қўйиши мумкинлиги қайд этилган.

Парламент эшитуви институтининг афзалликлари тўғрисида гапирганда, энг аввало, унинг қабул қилинган қонунлар ижро этилиши даражасини ўрганиш ҳамда қонунларнинг амалиётда қўлланилишига сал-

Бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси парламент эшитувидан самарали фойдаланиш бўйича бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Чунончи, БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларини Ўзбекистонда амалга оширишнинг бориши ҳақида бўлиб ўтган парламент эшитуви мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги ислоҳотларни ҳамда демократик ўзгаришларни янада такомиллаштиришнинг самарали йўлларини аниқлаш мақсадида ташкил этилди.

Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг "Ўзбекистонда дастурий таъминот индустриясини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги масала бўйича ахбороти юзасидан ўтказилган парламент эшитувида ахборот технологиялари бозорининг муҳим қисми бўлган дастурий таъминот индустриясини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг мақбул йўлларини муҳокама қилиш ва мамлакатимиз дастурий маҳсулотлар индустриясини ривожлантиришнинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш юзасидан муҳим таклифлар ишлаб

ўзгартишлардан бири парламент томонидан мамлакат Бош вазирининг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш масаласининг жорий этилишидир. Жумладан, Асосий Қонунимизнинг 78-моддасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари қаторига мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш масаласининг киритилганлиги, шубҳасиз, парламент эшитуви институтининг янада такомиллашувига хизмат қилади.

Хулоса ўрнида айтганда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидан келиб чиққан ҳолда киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, энг аввало, парламент эшитуви институтининг такомиллаштирилиши, миллий парламентаризмни ривожлантириш, парламентнинг жамият ҳаётидаги ролини янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларини чуқурлаштиришда алоҳида аҳамият касб этади.

**Қ. ЖЎРАЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмитаси раиси.**

# БАРКАМОЛ АВЛОД

## буюк келажагимизни яратишда ҳал қилувчи кучдир

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ушбу ҳужжатда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, модернизациялаш, таълим сифатини янги босқичга кўтариш билан бир қаторда, юқори малакали мутахассислар тайёрлашга ҳам алоҳида урғу берилган. Шунингдек, унда ўқув-лаборатория бинолари, спорт иншоотлари, талабаларнинг турар жойларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш каби йўналишлар ҳам қамраб олинган. Дарҳақиқат, буларнинг барчаси бирибирига боғлиқ бўлиб, ўзаро уйғунлик касб этади. Қарордан келиб чиқиб олиб борилаётган амалиётлар ёшларимизнинг фанларни чуқур ўзлаштиришда қулай шарт-шароитга эга бўлиши, спорт билан оммавий шуғулланиши ёки турар жойда кўнгилдагидек ҳордиқ олишига, пировардида таълим сифатини яхшилаб, юқори малакали мутахассисларни тарбиялашга қаратилганлиги билан янада аҳамиятлидир.

Бугун мустақил Ўзбекистон таълим-тарбия тизимининг бош ислоҳотчиси, ташаббускори бўлган Юртбошимиз раҳнамолигида бу соҳада амалга оширилаётган улкан янгиланишлар жаҳон таълим стандартларига тўла мослиги билан эътиборга моликдир. Бу эса айни пайтда тараққиётнинг илғор ютуқларини ўзлаштирган ҳолда фарзандларимизнинг комил инсон бўлиб етишишларига хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида Истиқлолнинг илк давридан бошлаб, бугунги дориламон кунларга қадар республикамизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар, ютуқ ва муваффақиятлар, ижтимоий-иқтисодий, айниқса, маънавий-маърифий ислоҳотлар самараси хусусида ёрқин ва асосли фикрлар билдирилар экан, жумладан, шундай дейилади: "...катта ҳаётга кириб келаётган, ўз истеъдоди ва салоҳиятини ёрқин намоён этаётган ёш кадрларимиз мисолида ана шундай орзу-интилишларимиз бугуннинг ўзида ўз ҳосилини бераётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Энг муҳими шундаки, "портлаш эффекти"нинг ҳақиқий моҳияти ва аҳамияти вақт ўтиши билан, биз тарбия қилаётган соғлом ва баркамол авлоднинг сафимизга тобора илдам кириб бориши билан янада яққолроқ сезилади".

Кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, бугун ривожланган баъзи давлатларда оддий мутахассисларга ҳам эҳтиёж ортиб бораётир. Айрим мамлакатларнинг яқин келажакда бу борада жиддий муаммоларга дуч келиши мумкинлиги аниқ далилларга асосланиб айтилмоқда. Бизда эса ана шундай масалага кўндаланг келмаслигимиз учун кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Назарий билимларнинг амалиётда мустаҳкамланиши, битирувчиларнинг иш билан таъминланишининг назорат қилиниши, ҳудудларда мутахассисларга эҳтиёж ўрганилиб, олий таълим даргоҳларида йўналишлар ташкил этилиши ёки тўхтатилиши шулар жумласидандир.

Бугунги кунда тарбия соҳаси ислоҳотига ҳаётимиз, эртанги тақдиримизни ҳал қилувчи мезон сифатида қараш шаклланди. Зеро, кўзлаган буюк мақсадларимиз, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётган ислоҳотларимиз, режаларимизнинг самараси, тақдири — буларнинг барчаси, аввалambор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлашга боғлиқлиги боис мамлакатимизда бу масалага юксак эътибор қаратилганлигини теран англаб етмоқдамиз.

Дунёнинг энг нуфузли ва илғор олий таълим муассасаларида бўлгани каби, юртимиз олий таълим тизимида ҳам соҳани модернизациялашнинг самарали услуб ва воситалари, жумладан, олий таълимни ахборотлаштириш ва компьютерлаштириш, унда энг илғор виртуал техника ҳамда технологиялардан фойдаланиш, таълимни интеллектуаллаштириш каби илғор услуб ва воситалар амалиётга кириб кела бошлади. Энг асосийси, илгари таълим жараёнининг суст таркибий қисми сифатида қараб келинган талаба эндиликда ушбу жараённинг энг фаол, талабчан ва ижодкор кишисига айланди. Олий таълим тизимида эса, Ватанимиз талаба-ёшларининг ҳеч кимдан кам бўлмаган энг илғор инновацион таълим технологиялари, муҳити ва инфратузилмаси билан таъминланган ҳолда фаолият юритишлари учун барча зарурий чоралар кўрилмоқда.

Таълим сифатини оширишда талабаларни компьютер ва ахборот-коммуникация воситалари, энг илғор андозалардаги ўқув-услубий мажмуалар, дарсликлар ва амалий машғулотлар учун қўлланмалар, электрон ўқув-тақдимот ва тарқатма материаллари билан таъминлашнинг замонавий ташкилий-техник базаси яратилмоқда. Хусусан, Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ҳам дарсларга педагогик технологияларни татбиқ этишда замонавий техник воситалар билан жиҳозланган 20 дан зиёд маъруза заллари мавжудлиги бунга мисол бўла олади. Барча профессор-ўқитувчилар педагогик технологиялар бўйича олти босқичли тренинглардан ўтиб, сертификат олишган. Фанлар бўйича таълим технологиялари ва талабалар учун ўқув-услубий мажмуалар яратилди.

Давлатимиз томонидан педагог-кадрларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тизими такомиллаштирилгани, мураббийларимиз меҳнатларига муносиб тарзда устама ҳақ тўлаш жорий этилганлигини мамнуният билан таъкидлаш жоиз. Шу боис ҳам ҳар биримиз таълим сифатини таъминлаш бирламчи, энг устувор мақсад эканлигини чуқур англаб етмоғимиз лозим.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг аҳамияти ҳақида гапириб, Президентимиз, жумладан, шундай деган эдилар: "Ўзбек миллатининг, ўзбек фарзандларининг қобилият, зеҳн-заковат, тиришқоқлик борасида бошқа ҳеч бир миллат ёки халқдан қолишадиган жойи йўқ. Фақат мавжуд интеллектуал имкониятларимизни тўлиқ ишга солишимиз, улардан мукаммал тарзда фойдалана билишимиз зарур. Ота-боболаримиз шуҳратининг соясига маҳлиё бўлиб юрадиган даврлар энди ўтди. Бугун жаҳон биздан ўз сўзимизни айтишимизни, ўз тафаккуримизни намоён этишимизни талаб қилмоқда. Бошқа халқлар, бошқа миллатлар бизга ётсираб-беписанд қарамаслиги, балки бизни эътироф этиши, бизни эҳтиром этиши керак. Биз ана шу юксак муносабат ва ҳурматга лойиқ бўлишимиз даркор".

Ҳаёт ҳақиқатини қарангки, бундан атиги 13 йил олдин билдирилган бу фикрларнинг амалдаги ижобий натижаси, юксак самараси ҳозирги кунда кўз олдимизда яққол намоён бўлмоқда. Буни теран ҳис этиб, шу муқаддас заминнинг қадрига етиш, унинг тараққий этишига муносиб хизмат қилишнинг ўзи олий саодат эмасми?!

**Нодир ЖУМАЕВ,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор.**

# МАҲАЛЛА – ФАРОВОНЛИК ҚЎРҒОНИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Яна бир эътиборли жиҳати, фуқаролар йиғинлари раислигига сайланган хотин-қизлар сони ошганидир. Бундан олдин жами раисларнинг 8 фоизини хотин-қизлар ташкил этган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 10 фоизга етди. Фарғона, Марғилон, Қувасой шаҳарларида эса ҳар уч нафар етакчининг бири хотин-қизлардан иборат.

Хуллас, Фарғонада фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари юксак савияда ўтказилди. Шу кунларда янги сайланган раис ва уларнинг маслаҳатчилари маҳаллалар аҳолиси билан ҳамжиҳатликда Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллик тўйига муносиб ҳозирлик кўрмоқдалар.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЮКСАК ЭЪТИБОР, БЕҚИЁС РАҒБАТ

## ёшларимиз камолотида, уларнинг иқтидорини тоблашда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу кунларда республикамизнинг барча ҳудудларида танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичлари ёшлар ҳаётида унутилмас воқеа сифатида ўтмоқда. Тобора оммавийлашиб бораётган танловда 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган йигит-қизлар иштирок этишаётир. Бу галги танловда қатнашчилар ўз билим ҳамда иқтидорини архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ҳамда техник ишланмалар, миллий ва амалий санъат, бадиий ижод ва публицистика каби ўн беш йўналиш бўйича намойиш қилишмоқда.

Жорий йилнинг 23-24 май кунлари жойларда танловнинг туман, шаҳар ва вилоят саралаш босқичлари бўлиб ўтди. Таъкидлаш жоизки, саралаш босқичларининг нафақат вилоят, балки туман миқёсида ўтказилиши танловдаги рақобат янада ошаётганлиги ва иштирокчилар сафи кенгайиб бораётганлигидан далолатдир.

Танловнинг сўнгги босқичига йўлланма олган энг билимли, иқтидорли, шижоатли ёшлар шу йил ноябрь-декабрь ойларида бўлиб ўтадиган мамлакат босқичида ўзаро беллашади. Якуний босқич иштирокчилари танлов Жамоатчилик Кенгаши ва ҳакамлар ҳайъати аъзолари олдида ўз иқтидор ҳамда маҳоратларини намойиш этадилар.

Шу ўринда яна бир муҳим жиҳатни алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Ўтган йиллар давомида "Келажак овози" кўрик-танловида иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритган ёшларимизнинг кейинги фаолияти, яъни уларнинг мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилувчи лойиҳалари ҳаётга татбиқ этилаётгани, албатта, қувонарлидир. Масалан, "Келажак овози" ғолибларидан бири Жавлон Қаюмов томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа пойтахтимиздаги 233-телефон тармоғида синовдан ўтказилмоқда. Ушбу янгилик татбиқ этилгач, мобиль ва шаҳар телефонлари ўртасида видеотелефонияни ўрнатиш имкони яратилади. Яна бир иқтидор эгаси Лочинбек Нурматов эса эшитиш қобилиятини йўқотганлар учун янги ўқув дастурини ишлаб чиқди. Мазкур лойиҳа Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан ихтисослаштирилган ўқув муассасаларида Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди томонидан жорий этилмоқда.

Йигит-қизларимизнинг бундай ютуқлари замирида мустаҳкам билим олишга



бўлган иштиёқ мужассам, албатта. Зеро, интилиш ва изланишдан толмайдиган мана шундай ёшларимиз бор экан, эртанги кунимиздан кўнгил хотиржамдир.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.**

# ЭЗГУ МАҚСАДНИ КЎЗЛОВЧИ ЛОЙИҲА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишларнинг кўлами ниҳоятда кенг. Бунда, айниқса, ҳуқуқий базанинг етарлича яратилгани айни муддао бўлаётир. Жумладан, 1992 йилда "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Шу билан бирга, республикамизда бу борада қатор кўплаб халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилиб, БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги, Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги, Чўлланишга қарши кураш тўғрисидаги конвенцияларига қўшилингани эътиборга моликдир.

Маълумки, 1992 йилда БМТнинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган атроф-муҳит масалаларига бағишланган конференциясида мазкур конвенциялар кўриб чиқилиб, Рио конвенциялари номини олган эди. Республикамизда 2009 йилдан бошлаб амалга ошириб келинаётган лойиҳа ушбу конвенцияларда кўтарилган масалалар ижросини таъминлашга хизмат қилаяпти.

Айни пайтда юртимизда табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизмларини янада такомиллаштириш, экологик муаммоларни бартараф этишда жамоатчиликнинг иштирокини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, заминимиз табиати бетакрор бўлиб, ўсимлик ва ҳайвонот олами ниҳоятда ранг-баранг. Масалан, ўлкамизда қушларнинг 440, ҳайвонларнинг юздан ортиқ турини учратиш мумкин. Бундан ташқари, республикамиз ҳудудининг қарийб йигирма фоизини ўрмонлар ташкил этса, манзарали ва мевали дарахтлар кўпайтирилиши ҳисобига яшил майдонлар ҳудуди йилига қирқ минг гектаргача кенгаймоқда.

Тадбир иштирокчилари мамлакатимизда ушбу лойиҳа доирасида бажарилаётган ишларни эътироф этиш баробарида, ерларнинг деградацияга учраши, сув ресурслари ва биохилма-хилликни муҳофаза қилиш, бунда замонавий усулларни татбиқ этиш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ.**

# ОНА ТАБИАТНИ АСРАШ

## бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир

***Қурғоқчилик, саҳроланиш, чўлланиш бугунги куннинг глобал муаммолари сирасига киради. Хусусан, табиий офатлар ичида қурғоқчилик бутун борлиқ учун қанчалик хавф туғдириши ҳақида ортиқча изоҳга ҳожат йўқ, албатта. Бу ҳақда тасаввурга эга бўлиш учун бир неча муддат ҳовлингизни суғора олмаганингиз туфайли қуриб-қақшаган экин-тикинларингизни кўз олдингизга келтирсангиз кифоя.***

Мутахассисларнинг таъкидлашича, қурғоқчиликнинг содир бўлишига, асосан, табиий мувозанатга путур етиши сабаб бўлар экан. Масалан, ёғингарчиликнинг меъёрида бўлмаслиги, ҳаводаги намлик миқдорининг кескин пасайиши ҳамда ҳаво ҳароратининг исиб кетиши каби омиллар бу муаммони келтириб чиқаради. Шунингдек, пухта ўйланмаган суғориш усулларидан фойдаланиш ҳам мазкур муаммога сабаб бўлиши мумкин. Ташвишли жиҳати, қурғоқчилик туфайли озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш кескин камаяди. Ер юзидаги жамики тирик мавжудот сувсизликдан азият чекади.

Мутасадди ташкилотлар томонидан олиб борилган кузатишларга қараганда, қурғоқчилик Ер юзидаги 900 миллион гектардан ортиқроқ майдонга зарар етказган. Бу миқдор йилдан-йилга ортиб бораётир. Сайёрамиздаги 250 миллион киши саҳроланиш жараёни кузатилаётган минтақаларда истиқомат қилмоқда.

Таҳлилларга кўра, қурғоқчилик бошқа муаммоларга ҳам сабаб бўлаётир. Айтайлик, турли эпидемик касалликлар тарқалиши оқибатида минг-минглаб инсонлар ҳаётдан кўз юмиши мумкин. Ўтмишга назар солсак, мазкур табиий офат кўплаб минтақаларда не-не мусибатларни келтириб чиқармаган. Жумладан, 2000 йили Грузияда, 2005 йилнинг ёзида Испанияда ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиши (40-42 даража) катта талафотларга сабаб бўлди. Табиий офат Грузия иқтисодиётига 50 миллион АҚШ доллари миқдорида зарар етказган бўлса, Испания бундан-да кўпроқ зиён кўрган.

Шу йилнинг май ва июнь ойлари бошларида Хитойда юз берган бундай табиий офатни мутахассислар "Аср қурғоқчилиги" дея аташмоқда. Нега деганда, мамлакатнинг марказий ва шарқий музофотларида кузатилаётган қурғоқчилик мамлакат иқтисодиётига катта зарар етказиши муқаррар. Мазкур ҳудудларда ҳаво ҳарорати сўнгги 60 йилда кузатилмаган даражада исиб кетган. Натижада кўплаб дарёларда сув сатҳи кескин пасайиб кетди. Хусусан, бу ердаги энг йирик Янцзи дарёсида сув жилдираб қолди. Кўплаб кўлларнинг ўрнида эса қуриб-қақшаган майдонлар вужудга келган. Ичимлик ва деҳқончилик учун сув кундан-кунга жуда танқислашиб бораётир. Катта-катта майдонларга экилган шоли нобуд бўлмоқда. Кемалар жойидан жилолмай қолган. Янцзи дарёси ёқасидаги Тянь-э-Чжоу қўриқхонасида сақланаётган кўплаб турдаги ҳайвонлар нобуд бўлиши мумкин.

Аслида, қурғоқчилик дунёнинг

### 17 июнь — Жаҳонда саҳроланиш ва қурғоқчиликка қарши кураш куни

барча минтақаларида йирик иқтисодий, ижтимоий ва экологик хавф туғдираётгани анча олдин маълум бўлган. Шу боис 1977 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти саҳроланишга қарши кураш бўйича ҳаракатлар режасини қабул қилган. Афсуски, бу саъй-ҳаракатларга қарамай, БМТнинг Атроф-муҳит дастури (ЮНЕП) 1991 йилда саҳроланиш янада кескинлашмоқда, деган хулосага келди. Саҳроланиш, айниқса, Африка ва Осиё минтақаларида тобора кенгайиб бораётир.

Кўриниб турибдики, вазият назоратга олинмаса, аҳвол тобора жиддийлашиб бораверади. Шу боис 1994 йил 17 июнда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қурғоқчилик ва саҳроланишга қарши кураш бўйича Конвенцияси қабул қилинди. Мазкур ҳужжат қабул қилинганидан бир йил ўтиб, 17 июнь "Жаҳонда саҳроланиш ва қурғоқчиликка қарши кураш куни" деб белгиланди. Ўзбекистон ҳам биринчилардан бўлиб унга қўшилди. 1999 йилда эса мамлакатимизда Конвенция мажбуриятларини самарали амалга ошириш мақсадида чўлланишга қарши кураш Миллий ҳаракатлар дастури ишлаб чиқилди.

Мамлакатимизда экологик муаммони келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этишга катта эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эса бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди. Мазкур ҳужжатда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, ерларнинг унумдорлигини ошириб, ҳосилдорликни кўтариш баробарида, ерларнинг деградация (таназзул)га учраши, яроқсиз ҳолга келиб қолишининг олдини олиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратиш кўзда тутилган.

Хусусан, махсус ишлаб чиқилган кенг кўламли дастурни изчил амалга ошириш ҳисобидан ерларнинг мелиоратив ҳолати муттасил яхшиланмоқда. Фақат 2010 йилнинг ўзида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун 150 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди ва бу 724 километрлик коллектор-дренаж тармоқлари, 208 та мелиоратив қудуқларни барпо этиш ҳамда реконструкция қилиш, қарийб 14 минг километрлик коллектор-дренаж тизимини таъмирлаш, қайта тиклаш ва 335 та замонавий мелиорация техникасини харид қилиш имконини берди.

Қашқадарё, Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Сирдарё, Жиззах вилоятлари, шунингдек, Марказий Фарғона ҳудуди ва Қорақалпоғистон Республикасида ирригация ҳамда мелиорация иншоотларини қайта тиклаш учун 2010 йилда халқаро молия институтларининг 62 миллион доллардан зиёд маблағлари жалб қилинди.

Амалга оширилган ана шундай кенг миқёсдаги ишлар натижасида 260 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди ва бу қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини, фермер ҳамда деҳқон хўжаликларининг даромадини ошириш учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, айни кунларда мамлакатимиз ўрмон хўжалиги ходимлари 2011 — 2015 йилларга мўлжалланган дастур асосида ўрмонзорлар барпо этиш ва кенгайтиришда ҳар бир минтақанинг ўзига хос табиий шароитини алоҳида эътиборга олган ҳолда иш олиб бормоқда. Орол денгизи суви чекиниши туфайли ҳосил бўлган тузли майдонлар аниқланиб, уларга мос ўсимлик ва дов-дарахтлар экишга киришилди. Бундай тадбирларни амалга оширишда мамлакатимиздаги табиатни муҳофаза қилиш идоралари, халқаро ва жамоат ташкилотлари, илмий тадқиқот муассасалари мутахассислари ҳам фаол иштирок этаётир. Уларнинг саъй-ҳаракати билан қисқа вақт мобайнида Оролнинг суви қуриган ҳудудида 280 минг гектарлик ўрмонзор барпо этилди. Ҳозир бу ерда бўйи 5-6 метр келадиган саксовуллар гармселни қайтариб, зарарли тузлар ҳавога кўтарилишининг олдини олаётир. Бошқача айтганда, тузли қумликларда экотизим тикланиб, ўт-ўланлар кўпаймоқда, ҳаёт кечиришнинг табиий шароити юзага келмоқда.

**А**лбатта, юртимизда амалга оширилаётган хайрли ишлар замирида нафақат атроф-муҳит мусаффолигини асраш, балки халқимиз турмуш фаровонлигини таъминлаш сингари эзгу мақсадлар мужассам. Сабаби, она-табиатни асраб-авайлаш, уни борича келажак авлодга етказиш бугунги куннинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

# БАРКАМОЛ АВЛОД

## буюк келажагимизнинг мустаҳкам асосидир

(Давоми. Боши 1-бетда).

Муболағасиз айтиш мумкинки, мустақил диёримизда худди шундай жараён давом этмоқда. Фарзандларимизга жаҳон талаблари даражасида замонавий таълим-тарбия берилаётгани, энг илғор ўқитиш услублари жорий этилаётгани, янги илм даргоҳлари фаолиятини йўлга қўйиш, ўғил-қизларимизга ҳеч кимдан кам бўлмайдиган даражада касб-ҳунар ўргатиш «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида изчиллик билан амалга оширилаётгани бунда муҳим омил бўлмоқда. Президентимизнинг жорий йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори олий таълим тизимини янада ривожлантириш, уни юксак чўққиларга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз. Зеро, ёшлар келажагига, малакали мутахассислар тайёрлаш масаласига дунёнинг ҳеч бир мамлакатида биздагидек катта эътибор қаратилмайди.

Ушбу ҳужжатда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, модернизациялаш, таълим сифатини янги босқичга кўтариш билан бир қаторда, юқори малакали мутахассислар тайёрлашга ҳам алоҳида урғу берилган. Шунингдек, унда ўқув-лаборатория бинолари, спорт иншоотлари, талабаларнинг турар-жойларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш каби йўналишлар ҳам қамраб олинган. Дарҳақиқат, буларнинг барчаси бир-бирига боғлиқ бўлиб, ўзаро уйғунлик касб этади. Қарордан келиб чиқиб, олиб борилаётган амалиётлар ёшларимизнинг фанларни чуқур ўзлаштиришда қулай шарт-шароитга эга бўлиши, спорт билан оммавий шуғулланиши ёки турар-жойда кўнгилдагидек ҳордиқ олишига, пировардида, таълим сифатини яхшилаб, юқори малакали мутахассисларни тарбиялашга қаратилганлиги билан янада аҳамиятлидир.

Бугун мустақил Ўзбекистон таълим-тарбия тизимининг бош islоҳотчиси, ташаббускори бўлган Юртбошимиз раҳнамолигида бу соҳада амалга оширилаётган улкан янгиланишлар жаҳон таълим стандартларига тўла мослиги билан эътиборга моликдир. Бу эса айни пайтда тараққиётнинг илғор ютуқларини ўзлаштирган ҳолда фарзандларимизнинг комил инсон бўлиб етишишларига хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида Истиқлолнинг илк давридан бошлаб, бугунги дориломон кунларга қадар республикамизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар, ютуқ ва муваффақиятлар, ижтимоий-иқтисодий, айниқса, маънавий-маърифий ислоҳотлар самараси хусусида ёрқин ва асосли фикрлар билдирилар экан, жумладан, шундай дейилади: “...катта ҳаётга кириб келаётган, ўз истеъдоди ва салоҳиятини ёрқин намоён этаётган ёш кадрларимиз мисолида ана шундай орзу-интилишларимиз бугуннинг ўзида ўз ҳосилини бераётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Энг муҳими шундаки, “портлаш эффекти”нинг ҳақиқий моҳияти ва аҳамияти вақт ўтиши билан, биз тарбия қилаётган соғлом ва баркамол авлоднинг сафимизга тобора илдам кириб бориши билан янада яққолроқ сезилади”.

Кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, бугун ривожланган баъзи давлатларда оддий мутахассисларга ҳам эҳтиёж ортиб бораётир. Айрим мамлакатларнинг яқин келажакда бу борада жиддий муаммоларга дуч келиши мумкинлиги аниқ далилларга асосланиб айтилмоқда. Бизда эса ана шундай масалага кўндаланг келмаслигимиз учун кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Назарий билимларнинг амалиётда мустаҳкамланиши, битирувчиларнинг иш билан таъминланишининг назорат қилиниши, ҳудудларда мутахассисларга эҳтиёж ўрганилиб, олий таълим даргоҳларида йўналишлар ташкил этилиши ёки тўхтатилиши шулар жумласидандир.

Бугунги кунда тарбия соҳаси ислоҳотига ҳаётимиз, эртанги тақдиримизни ҳал қилувчи мезон сифатида қараш шаклланди. Зеро, кўзлаган буюк мақсадларимиз, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётган ислоҳотларимиз, режаларимизнинг самараси, тақдири — буларнинг барчаси, аввалambor, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали мутахассис кадрларга боғлиқлиги боис мамлакатимизда бу масалага тайёрлаш юксак эътибор қаратилганлигини теран англаб етмоқдамиз.

Дунёнинг энг нуфузли ва илғор олий таълим муассасаларида бўлгани каби, юртимиз олий таълим тизимида ҳам соҳани модернизациялашнинг самарали услуб ва воситалари, жумладан, олий таълимни ахборотлаштириш ва компьютерлаштириш, унда энг илғор виртуал техника ҳамда технологиялардан фойдаланиш, таълимни интеллектуаллаштириш каби илғор услуб ва воситалар амалиётга кириб кела бошлади. Энг асосийси, илгари таълим жараёнининг суст таркибий қисми сифатида қараб келинган талаба эндиликда ушбу жараённинг энг фаол, талабчан ва ижодкор кишисига айланди. Олий таълим тизимида эса, Ватанимиз талаба-ёшларининг ҳеч кимдан кам бўлмаган энг илғор инновацион таълим технологиялари, муҳити ва инфратузилмаси билан таъминланган ҳолда фаолият юритишлари учун барча зарурий чоралар кўрилмоқда.

Таълим сифатини оширишда талабаларни компьютер ва ахборот-коммуникация воситалари, энг илғор андозалардаги ўқув-услубий мажмуалар, дарсликлар ва амалий машғулотлар учун қўлланмалар, электрон ўқув-тақдимот ва тарқатма материаллари билан таъминлашнинг замонавий ташкилий-техник базаси яратилмоқда. Хусусан, Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ҳам дарсларга педагогик технологияларни татбиқ этишда замонавий техник воситалар билан жиҳозланган 20 дан зиёд маъруза заллари мавжудлиги мисол бўла олади. Барча профессор-ўқитувчиларимиз педагогик технологиялар бўйича олти босқичли тренинглардан ўтиб, сертификат олишган. Фанлар бўйича таълим технологиялари ва талабалар учун ўқув-услубий мажмуалар яратилди.

Давлатимиз томонидан педагог-кадрларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тизими такомиллаштирилгани, мураббийларимиз меҳнатларига муносиб тарзда устама ҳақ тўлаш жорий этилганлигини мамнуният билан таъкидлаш жоиз. Шу боис ҳам ҳар биримиз таълим сифатини таъминлаш бирламчи, энг устувор мақсад эканлигини чуқур англаб етмоғимиз лозим.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг аҳамияти ҳақида гапириб, Президентимиз жумладан шундай деган эдилар: “Ўзбек миллатининг, ўзбек фарзандларининг қобилият, зеҳн-заковат, тиришқоқлик борасида бошқа ҳеч бир миллат ёки халқдан қолишадиган жойи йўқ. Фақат мавжуд интеллектуал имкониятларимизни тўлиқ ишга солишимиз, улардан мукаммал тарзда фойдалана билишимиз зарур. Ота-боболаримиз шуҳратининг соясига маҳлиё бўлиб юрадиган даврлар энди ўтди. Бугун жаҳон биздан ўз сўзимизни айтишимизни, ўз тафаккуримизни намоён этишимизни талаб қилмоқда. Бошқа халқлар, бошқа миллатлар бизга ётсираб-беписанд қарамаслиги, балки бизни эътироф этиши, бизни эҳтиром этиши керак. Биз ана шу юксак муносабат ва ҳурматга лойиқ бўлишимиз даркор”.

Ҳаёт ҳақиқатини қарангки, бундан атиги 13 йил олдин илгари сурилган бу фикрларнинг амалдаги ижобий натижаси, юксак самараси ҳозирги кунда кўз олдимизда яққол намоён бўлди. Буни теран ҳис этиб, шу муқаддас заминнинг қадрига етиш, унинг тараққий этишига муносиб хизмат қилишнинг ўзи олий саодат эмасми?

**Нодир ЖУМАЕВ,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор.**

# ХАЛҚАРО МИҚЁСДАГИ ФЕСТИВАЛЬ

## Ёш киноижодкорлар ҳаётида унутилмас таассуротларга бой бўлиши шубҳасиз

**Анжуман**

Биласиз, 2011 йилнинг октябр пойтахтимизда Биринчи Тошкент Халқаро замонавий кинофестивали ўтказилади. Айни пайтда эса “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамда “Ўзбеккино” Миллий агентлиги ҳамкорлигида мазкур тадбирга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.

Шу муносабат билан “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармасида кино соҳаси мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда кино санъати ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, миллий киносанъатимиз намуналарига қизиқиш даражаси хорижда ҳам йил сайин ортиб бораётир. Айниқса, миллий анъаналар, ўзбекона турмуш тарзи талқин этилган бадиий фильмларимизнинг чет эллардаги нуфузли халқаро танловларда муваффақият қозонаётганлиги қувонарли ҳолдир.

Маълумки, кинематографиянинг томошабин маънавий дунёқарашини бойитиш, айниқса ёш авлод феъл-атворида эзгу фазилатларни шакллантириш борасидаги ўрни ва аҳамияти беқиёс. Шундан келиб чиққан ҳолда Биринчи Тошкент Халқаро замонавий кинофестивали ушбу йўналишда ижод қилаётган санъат аҳлини бирлаштириш, уларнинг бой тажрибасини оммалаштириш, энг яхши ижодий ишларни тақдирлаш орқали томошабинларни ҳар томонлама мукаммал ишланган фильмлар билан таништиришни мақсад қилган. Зеро, ҳар бир фильм, энг аввало, томошабин учун яратилади.

... Биринчи Тошкент Халқаро замонавий кинофестивалига тайёргарлик жараёнида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан «Муқаддима» деб номланган қисқа метражли фильмлар кўрик-танлови ҳам ўтказилди.

— Мазкур танлов мамлакатимиз ёш киноижодкорларининг истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқаришда муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз, — дейди “Муқаддима” қисқа метражли фильмлар кўрик-танлови ҳакамлар ҳайъати раиси, режиссёр Аюб Шаҳобиддинов. — Танлов муносабати билан ёш киночилар, хусусан, Ўзбекистон давлат санъат институти талабалари ва битирувчилари томонидан 2009 — 2011 йиллар мобайнида яратилган ўттиздан ортиқ қисқа метражли фильмлар ўрганиб чиқилди. Эндиликда ғолиб деб топилган асарлар халқаро фестивалнинг “Қисқа метражли кино” йўналишида намойиш этилади.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Танлов**

***САМАРҚАНД. Ҳамид Олимжон номидаги вилоят драма театрида Президентимиз томонидан таъсис этилган “Ниҳол” мукофоти учун танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди.***

## Самарқанд «Ниҳол»лари

Унда туман ва шаҳар саралаш босқичларида ғолибликни қўлга киритган 75 нафар ёшлар танловнинг эстрада, мусиқа, мумтоз қўшиқ, рақс ва опера йўналишларида ўз маҳорат ва иқтидорларини намойиш этдилар.

Якунда барча йўналишлар бўйича ғолиблар аниқланди ҳамда уларга танловнинг республика босқичида иштирок этиш учун йўлланмалар берилди.

**М. ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «Ягонасан, муқаддас Ватан!»

***ФАРҒОНА. Қўқон шаҳрида Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган “Ягонасан, муқаддас Ватан!” кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.***

Унда танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар босқичларида ғолибликни қўлга киритган 56 нафар ёш истеъдод соҳиблари академик хонандалик, эстрада, фольклор ва анъанавий хонандалик йўналишлари бўйича ўзаро беллашдилар. Тадбирда янграган она юртимизни, мустақилликни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар йиғилганларга завқ улашди.

Якунда фарғоналик Жаҳонгир Абдусаматовга танловнинг мутлақ биринчилиги насиб этди. Шунингдек, барча йўналишлар бўйича ҳам ғолиблар номи аниқланди. Эндиликда ғолиблар мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтадиган тадбирларда қатнашадилар.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЮКСАК ЭЪТИБОР, БЕҚИЁС РАҒБАТ

## ёшларимиз камолотида, уларнинг иқтидорини тоблашда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда



(Давоми. Боши 1-бетда).

билим ва иқтидорини архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар, миллий ва амалий санъат, бадиий ижод ва публицистика каби ўн беш йўналиш бўйича намойиш этишмоқда.

Жорий йилнинг 23-24 май кунлари жойларда танловнинг туман, шаҳар ва вилоят саралаш босқичлари бўлиб ўтди. Таъкидлаш жоизки, саралаш босқичларининг нафақат вилоят, балки туман миқёсида ўтказилиши танловдаги рақобат янада ошаётганлиги ва иштирокчилар сафи кенгайиб бораётганлигидан далолатдир.

Танловнинг сўнгги босқичига йўлланма олган энг билимли, иқтидорли, шижоатли ёшлар шу йил ноябрь-декабрь ойларида бўлиб ўтадиган мамлакат босқичида ўзаро беллашишади. Якуний босқич иштирокчилари танлов Жамоатчилик Кенгаши ва ҳакамлар ҳайъати аъзолари олдида ўз иқтидор ва маҳоратларини намойиш этадилар.

Шу ўринда яна бир муҳим жиҳатни алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Ўтган йиллар давомида “Келажак овози” кўрик-танловида иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритган ёшларимизнинг кейинги фаолияти, яъни уларнинг мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилувчи лойиҳалари ҳаётга татбиқ этилаётгани албатта, қувонарлидир. Масалан, “Келажак овози” ғолибларидан бири Жавлон Қаюмов томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа пойтахтимиздаги 233-телефон тармоғида синовдан ўтказилмоқда. Ушбу янгилик татбиқ этилгач, мобиль ва шаҳар телефонлари ўртасида видеотелефонияни ўрнатиш имконини беради. Яна бир иқтидор эгаси Лочинбек Нурматов эса эшитиш қобилиятини йўқотганлар учун янги ўқув дастурини ишлаб чиқди. Мазкур лойиҳа Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан ихтисослаштирилган ўқув муассасаларида Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди томонидан жорий этилмоқда.

Йигит-қизларимизнинг бундай ютуқлари замирида мустаҳкам билим олишга бўлган иштиёқ мужассам, албатта. Зеро, интилиш ва изланишдан толмайдиган мана шундай ёшларимиз бор экан, эртанги кунимиздан кўнгил хотиржамдир.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Бахтиёр АКРАМОВ**
**олган сурат.**

**«Ҳамшира — 2011»**

# Чаққон, эпчил, зукко

***Бухорода “Ҳамшира-2011” кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.***

Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишлаб ташкил этилган тадбирда танловнинг қуйи босқичида касб маҳоратини намойиш этиб назарга тушган 14 нафар ҳамшира куч синашди. Иштирокчилар ўзлари ишлаётган муассаса мисолида тиббиёт соҳасидаги янгиликлар, давлатимиз томонидан тармоқ ривожига берилаётган эътибор ҳақида фикрларини баён этишиб, касб маҳоратларини амалда намойиш этишди. Якунда Бухоро шаҳридаги 9-сон поликлиника ҳамшираси Муяссар Қурбонова биринчи ўринни эгаллаб, танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 603. 67044 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ф. Бўтаев.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.30 Топширилди — 02.20 1 2 3 4 5